

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИПАК ЙЎЛИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ
ХАЛҚАРО, ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ҲАМКОРЛИК
МУНОСАБАТЛАРИ

*Моҳира Мирзаева Қурбановна,
Самарқанд давлат университети
Самарканд, Ўзбекистан
e-mail: mohira7450@gmail.com*

Аннотация: Мақолада Шарқ ва Ғарбнинг илмий, маданий, диний алоқалари, фан кашфиётлари, ижтимоий ҳаётдаги ютуқлари ва ғарб билан интеграциялашуви жараёнидаги буюк ипак йўлининг роли фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинади. Бундан ташқари дунё халқларининг ижтимоий-иктисодий тараққиёти учун янги имкониятлар ипак йўли орқали очилиб, бу жараёнда халқлар, миллатлар бир бирларининг қадриятлари билан танишганлиги, улар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари, энг муҳими, мамлакатлараро тинчлик, барқарорлик мустаҳкамланганлиги очиб берилади.

Калит сўзлар: Шарқ, Ғарб, маданият, дин, илм, интеграция, буюк ипак йўли, ижтимоий-иктисодий тараққиёт, халқ, миллат, қадрият, дўстлик, ҳамкорлик, тинчлик, барқарорлик

Аннотация: В статье рассматривается научно-философский анализ роли Великого шелкового пути в процессе научных, культурных, религиозных отношений, научных открытий, достижений в общественной жизни и интеграции Востока с Западом. А также анализируется то, благодаря Великому Шелковому пути были открыты новые возможности для социально – экономического развития народов мира. В ходе которого народы и нации узнали о ценностях друг друга, дружбе и сотрудничестве между ними, а самое главное укреплялся международный мир и стабильность.

Ключевые слова: Восток, Запад, культура, религия, наука, интеграция, великий шелковый путь социально-экономический развитие, народ, нация, ценность, дружба, сотрудничества, мир, стабильность

Annotation: The article philosophically analyzes the role of the Great Silk Road in the process of scientific, cultural, religious ties, scientific discoveries, achievements in social life and integration with the West of East and West. In addition, new opportunities for the socio-economic development of the peoples of the world will be opened through the Silk Road, in the process of which peoples and nations will get acquainted with each other's values, friendship and cooperation, and most importantly, international peace and stability.

Keywords: East, West, culture, religion, science, integration, the Great Silk Road,

socio-economic development, people, nation, values, friendship, cooperation, peace, stability

Биз биламизки ҳозирги кунда дунё мислсиз даражада ўзгариб, ижтимоий, маданий, маънавий муносабатлар интеграциялашуви бир мунча тезлашиб кетди ва бир қатор умумбашарий муаммоларнинг пайдо бўлиши, табиийки, бутун жаҳон халқларини ташвишга солмоқда.

Дарҳақиқат Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига рахна соладиган турли янги таҳдид ва ҳавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, аҳлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундейди,”¹ дейди.

Шу боис сиёсий, ижтимоий-иктисодий, экологик хавф-хатарларнинг салбий таъсирини олдини олиш, ёшлар онгини ҳимоя қилиш учун, умуммиллий ва умуминсоний мерослар, қадрият ва анъаналардан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу жараёнда эса Шарқ ва Фарб халқлари учун «Буюк Ипак йўли» ижтимоий заруриятга айланиб, миллатлар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларга, минтақавий хафсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши, жамиятнинг тадрижий ривожланиши, жаҳон тизимига интеграциялашуви учун асосий негиз ва шарт шароит яратиши шубҳасизdir.

Дарҳақиқат Ш.Мирзиёев бу ҳақда шундай дейди, “Маълумки, бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам уламолар, имом-хатиблар, жамоатчилик вакиллари билан бирга динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттиришимиз керак.”²

Дарҳақиқат Марказий Осиё халқлари инсоният цивилизацияси тараққиётининг энг олдинги босқичларидан бирида бўлган XI–XII ва XIV–XV асрлар Шарқ уйғониш даврининг биринчи ва иккинчи босқичларида юзага келган бир қатор асарларнинг умумийлиги, дин, эътиқод, фалсафа, бадиий адабиёт, мусиқа, фан, меъморчилик ва санъатнинг ўхшашлиги ва бир-бирига яқинлиги Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг ўзаро

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимиизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2017.

² Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнданги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжумандада сўзлаган нутқидан.

алоқадорлиги ва таъсирчанлигини кўрсатди.

Ижтимоий–сиёсий ҳаётдаги зарурият, иқтисодий ва маданий алоқалар бу халқларнинг маданиятини бир–бирига яқин ва маълум даражада муштарак маданиятга айлантируди. Масалан, Форс–тожик классик адабиётининг мероси ҳисобланмиш Фирдавсий, Ҳайём, Ҳофиз, Саъдий, Жомий ва бошқаларнинг асарлари бир неча асрлар давомида бутун Марказий Осиё халқлари учун маълум даражада умумий бўлиб келди ҳамда Ozarbaijxonlik шоир ва мутафаккир Низомий, Ҳиндистонлик Амир Хусрав Дехлавийларнинг ижодий таъсири остида ўзбек шоирлари ва мутафаккирларининг энг яхши асарлари вужудга келди.

Навоий ижоди хусусан, «Хамса» асари XUI–XUIII асрлардаги барча туркий ва форс–тожик бадиий адабиёти ижтимоий фикрларининг ривожига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу даврларда яшаб ижод этган Турк, Ozarbaijxon, Хоразм, қўқон хонликларидағи, шарқий Эрон ва Афғонистондаги шоир–уламолар Навоий маънавий хазинасидан илҳомландилар ва баҳраманд бўлдилар ва ундан ўргандилар. Ижтимоий маданиятнинг бу ўзаро таъсири халқлар ижтимоий миллий маданиятининг ривожланиши ва бойишига олиб келди.

Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, қошғарий, Ал Беруний, Ибн Рушд, Ибн Сино, Рудакий, Румий, Ҳофиз, каби мутафаккир олимларнинг ижоди Шарқ билан Farb мамлакатлари ўртасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг кучайиши, интенсивлашишига, халқлар маданиятларини ўзаро интеграциялашувига катта таъсир кўрсатди. Масалан, Форобий қадимги юонон илми ва фалсафасини айниқса Арасту асарларини мукаммал билган, унинг таълимоти билан янги Афлотун таълимотини бирлаштира олган, ислом фалсафасига оламшумул ҳисса қўшган ва шулар боис Арастудан кейинги «Иккинчи муаллим” (ал муаллим ас соний) номи билан машҳур бўлган буюк олим сифатида танилди.

Бу даврда Шарқ ва Farb ижтимоий–маданий муносабатларни ўрнатишда техник жиҳатдан содда транскоммуникациялардан фойдаланилган бўлса ҳам бу жараён тез суръатлар билан ривожланди. Айниқса, илм фан соҳасидаги интеграциялашуви шунда кўринадики, Марказий Осиё мутафаккирларининг асарлари XII асрдан бошлаб Европада илмий-адабий тил ҳисобланган лотин тилига таржима қилина бошланди, сўнг XUII–XUIII асрда инглиз, испан, немис, француз тилларига таржима қилинди. Форобийнинг Аристотелга ёзган шарҳларини Берлин ақадемияси нашр қилди. XUIII аср охирларида Ф.Дитереци унинг фалсафий трактатларини, айниқса унинг сиёсий фалсафасини (ал-мадинат ал-фазила) синчиклаб ўрганди. Асли Сирдарёда дунёга келган аллома олим Форобий умрининг анчасини Халабда, Ҳамадонийлар саройида ўтказган бўлиб, «Уд» созининг ихтирочиси сифатида ҳам танилди, шу сабаб уни немис файласуф шоирлари ўзларининг шеъриятида мусика файласуфи этиб талқин этадилар.

Фридрих Рюкерт «Morgenlandishce sagen und Geshcihten» («Шарқона ривоятлар ва афсоналар») асарида Форобийнинг бир куй ижро этиб барчани шоду хуррам қилгани, иккинчи куй билан кўз ёш тўкишга мажбур этгани, учинчи куй воситасида эса уларни ухлатиб қўйганини тасвирлайди. Бу ҳолат Форобийнинг ғарб санъати ва ижтимоий маданияти ва дунёқарашига қанчалик катта таъсир этганини кўрсатади .

Шарқнинг Farбga таъсири масаласи неча асрлардан буён тарақкийпарвар зиёлилар томонидан мушоҳада қилиниб, баъзи ғарбдаги тадқиқотчилар бу масалага шубҳа билан қарайдилар. Таниқли олима Ф.Сулаймонованинг барча нурлар Шарқдан таралишини ифодаловчи «Шарқ ва Farб» номли монографиясида таҳлил этилганидек, «ипак йўли» атига Шарқ ва Farб ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар воситаси эмас, айни чоғда Европани маънавий уйғотган ҳаётбахш йўл ҳамдир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Кеш, Термиз каби шаҳарларда ойлаб, йиллаб истиқомат қилган, ажнабий савдогарлар халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва маънавиятга хос кирраларини ўрганиб, маъқул бўлганларини ўз юртларига бориб тарғибот қилишга ҳаракат қилганлар».³

Мавжуд адабиётлар таҳлилидан кўринадики, «Ипак йўли» орқали Шарқдан ўзлаштирилган илғор анъаналар ва қадриятлар Farбga қандай наф келтирганлигини умумлаштириб кўрсатишга мойиллик сезилмайди. Лекин Farбдаги ўз даврининг етук алломалари «Шарқ ва Farб сингиша олмайди, барча илмлар Farбда пайдо бўлган, шарқликлар росмана илмий тафаккур қилишга қодир эмаслар» руҳидаги «европамарказчилик» ақидаси заарли оқибатлар келтириб чиқаришини пайқашди ва тарихга холисона муносабатда бўлишди.

Чунончи, Г. Гердер, В. Гёте, А. С. Пушкин, Н. Чернишевский, Э.Ренон, И.Голдцихер, Е.Бертельс, А.Крачковский, А.Мец, Н.И.Кондрат жаҳон маданияти тараққиётида Шарқнинг, хусусан «Ипак йўли» минтақаларининг ўрни, интеграцияси хусусида илмий асосланган фикрларни билдиришди.

Эринбург (Шотландия) университетининг профессори Уолт Монтгомэри Уоот ҳам одилона фикр юритиб, «Шарқ... Farбий Европа билан нафақат ўзининг моддий маданияти ва техникавий кашфиётларда эришган ютуқларини баҳам кўрди, у нафақат Европада илм–фан ва фалсафа тараққиётига рағбат берди, балки Европанинг ўзини-ўзи ҳақида янгича тафаккур яратишига олиб келди»⁴ - дейди.

Шарқ ва Farб ижтимоий-маданий интеграциялашувида, фан ва маданиятнинг юқори чўққига кўтарилишида Ибн Синонинг ўрни беқиёс бўлиб, тиббиёт илмининг ривожи, хусусан унинг «Ал қонун фит-тиб» асари катта ўрин

³Сулаймонова Ф. Шарқ ва Farб. -Т.: Фан, 1994,1998. Инсон борлиқнинг гултожи, шарафи.|| «Соғлом авлод учун», 1998..№10-11 -Б.-22.

⁴ Кўчирма А.Шернинг «Соғлом авлод учун» журналидаги сўнги сўзидан олинди.1998, 10-11сон, -Б.23

тутгани маълум. Унинг асарлари табиатшуносликнинг инсонни ўрганадиган соҳасига киришга йўл очди.

Шу боисдан ҳозирги кунда аждодларимиз илмий меросининг жаҳон цивилизациясидаги урнига алоҳида эътибор қаратилиб, Ш.М.Мирзиёев «Ҳақиқатан ҳам, азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган боқий Бухоро, унинг қўпни кўрган, илм-маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик борасида ном қозонган халқи ҳар қандай ҳурмат ва эътиборга муносибdir. Азим Зарафшон дарёси бўйида жойлашган бу гўзал воҳадаги Варахша ва Наршах сингари қадимиј цивилизация ўчоқлари, кўхна Арк, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб, Минораи Калон, Чор Бакр ва ўнлаб ноёб меъморий обидалар бизнинг тарихимиз, маданиятимиз қандай чуқур илдизларга эга эканини яққол тасдиқлади. Бу қутлуғ заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Мир Сайд Кулол, Хўжа Ориф Ревгари, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машҳурдир.»⁵- деб таъкидлади. Чунки ўрта асрлардаёқ Ғарб олимларининг эътиборини тортган қомусий олим Абу Али ибн Синонинг илмий мероси XII асрдаёқ Европалик олимларнинг тадқиқот марказига айланиб, унинг фаолиятини ўрганиш борасида немис олимлари асосан табиий фанлар соҳасида муҳим илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ўрта аср ислом табиатшунослиги мутахассиси Айльхард Видеманн «Ибн Синонинг кўриш жараёни ҳақидаги тасаввурлари» деган тадқиқот ишини яратди. Липперт алломанинг офтальмология соҳасидаги тажрибалари устида иш олиб борди. Макс Хортен Ибн Синонинг камалак ҳақидаги тушунчалари билан бирга, унинг метафизикасини ҳам ўрганди. Швейцариялик X.Сутер эса шу мавзуни кенгроқ тадқиқ этди.

Бундан ташқари XII асрдаёқ Европалик олим Г.Кремонский Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобини лотин тилига таржима қилган эди.⁶ Бу китоб Европа Университетларида XVII асргача дарслар сифатида қўлланилиб, 1284-йилда ҳаким Арманго Ибн Синонинг тиббиётга оид бошқа асарларини лотин тилига таржима қилган эди. Шу тариқа XII-XIII асрларда алломанинг илмий қарашларидан Европа халқлари кенг фойдаланиб, унинг қомусий билимларига қизиқиш француз олимлари орасида ҳам устунлик қилди. Манбааларнинг гувоҳлик беришича, ўз даврининг машҳур олими, француз жарроҳи Ги де Шолиак (1300-1368 йиллар) Ибн Синони ўзининг устози деб билган ва унинг меросини кенг ташфиқ қилиб, тиббий асарларида Ибн Синонинг номини 600 марта тилга олган.⁷ Яна бир француз олими Никола Ореси (1323-1382) Абу Али

⁵ Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2017. –Б.145

⁶"Куръер", ЮНЕСКО", 1960, ноябр, стр.5

⁷ Уша манбаа, стр.2

ибн Синонинг руҳий касалликларни даволаш бобида қашшоғлигига тан бериб, Франция университетларида бу китоб XVII асрларгача муҳим қўлланма сифатида фойдаланилган, Брюссел университетида эса ўқув дастури сифатида 1909-йилгача мавжуд бўлган.

Бундан ташқари шарқ олимларидан яна бири ғарбда Аверроэс номи билан танилган Ибн Рушд, Аверроизмда илми ақлияning чўғларини илк бор қўзга ташлади. Бу илми ақлия кейинчалик Декарт, Спиноза, Лейбниц каби буюк ақл эгаларининг етишиб чиқишига сабаб бўлди ва улар тафаккурнинг янги қатламларини қашф этдилар.

Дарҳақиқат Шарқ ва Ғарб ўртасидаги илмий-маданий муносабатларнинг ипак йўли орқали ривожланиши ва интеграциялашувида Марказий Осиё олимларининг фаолияти бекиёс бўлиб, Ал Фарғоний Европада Ал-Фраганус номи билан Ғарб олимларини ҳайратга солди ва уларнинг янги-янги қашфиётлари учун асос яратди. Абу Райхон Беруний Маҳмуд Ғазнавийнинг ипак йўлидаги Ҳиндистонга уюштирган бир неча сафарларида ҳамроҳлик қилди. У ўзидан кейин ўлкан ва бой илмий-маданий мерос қолдирган олимдир. Ғарб шарқшунослари кўп йиллар давомида шу меросни ўрганиш билан шуғулландилар. Дастрлаб Эдуард Захау Берунийнинг «Осорул - боқия» (Шарқ халқлари хронологияси) трактатини таҳrir ва таржима қилди. Бу асар ҳанузгача тарихчи, файласуф олимлар учун тенгсиз манба бўлиб хизмат қилиб келади. Бундан ташқари, Э.Захау «Китоб Фи л-Ҳинд» асарини ҳам чоп этди ва уни инглиз тилига таржима қилди. Бу китоб, муболағасиз айтиш мумкинки, бегона маданият, дин ва фалсафани холисона тадқиқ этишнинг илк юксак намунасиdir, унда баён этилган ҳаётга ҳиндий дунёқарааш таҳлили то ҳанузгача асосли эътибор касб этиб келади. Бу икки йирик асар Берунийнинг номини шарқшунос-олимлар доирасидан ташқарида ҳам машхур этди.

Берунийнинг асарлари Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти ва маънавиятининг интеграциялашуви ва юксалишига катта таъсир кўрсатди. Унинг ғарб олимлари ижодига таъсири ўрта асрларда бўлгани каби XIX ва XX асрларда ҳам давом этди. Maxs Майерхоф 1932 йилда Берлинда «Берунийнинг фармакогнозиясига кириш» асарини таржима қилиб нашр эттирди. И.Франке «Берунийнинг астролобиялар ҳақидаги трактати» номли илмий иш ёзди. Илмий-маданий интеграция натажасида Бонн университети, кўп йиллар Беруний ҳақидаги илмий тадқиқотлар маркази ҳисобланиб, бу даргоҳда унга бағищланган янги асарлар ғояси туғилди ва яратилди.

Шулардан бири Вили Хартнер ва Маттлас Шрамм буюк табиатшунос ҳақидаги янги маълумотларни тақдим этдилар. 1925 йилдаёқ Шой «Беруний астрономияси ҳақида» илмий мақолалар ёзди. Шу билан бирга Паул Каленинг ташаббуси билан Германияда ишлаган араб ва турк олимлари ҳам Берунийнинг

улкан илмий меросидан айрим хос соҳаларни ўргана бошладилар. Масалан, Суриялик Яхё Ҳашмий «Берунийнинг тошлар ҳақидаги китоби» мавзусида илмий диссертация ёқлаб, бу илмий иш билан Ғарб олимларини ҳайратга солди. Ёки 1974 йилда Нью-Йорк университетида Беруний ва Румий ижодига бағишилаб ўтказилган илмий конгрессда Ханс Роберт Рёмер Беруний ҳақида Европада, хусусан, Германияда яратилган илмий тадқиқотлар тўғрисида фойдали тавсиф берди.

Юлиус Руска Беруний асарларидағи табиий-илмий масалаларни ўрганди. Хельмут Риттер Берунийнинг «Патанжали йог сутрасидан қилган таржималари» номли илмий тадқиқоти билан (oriens 1954й), берунийшуносликнинг янги қиррасини очди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики аллақачон Шарқ тафаккури ўрнини объектив тарзда англаш ва шу асосда Шарқ билан Ғарб эришган ютуқларни бирлаштириш орқали умумжаҳон тафаккури тараққиётини юксалтириш мумкиндир. Таракқиёт фалсафаси берадиган ягона ҳаққоний, энг тўғри сабоқ ҳам ана шудир–қолган барчаси фаромушлик ҳамда ноилмийликдир.

Биз биламизки кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб бошқа – бошқа олам деган фикр айтиб келинади. Бугун бу бидъатни ислом ва христиан дунёлари ўртасидаги қарама-қаршиликка айлантиришга уринувчилар ҳам топилиб турибди. Ҳолбуки, Редъяд Киплинг ва ундан юз йил муқаддам Франклин Шарқ билан Ғарб ҳам аслида бир ҳилқат – худонинг измидаги дунёдан бошқа нарса эмаслиги ва бу дунёда инсон қандай яшashi лозимлигини билиш ҳам мураккаб вазифа эмас эканлигини айтиб ўтганлар. Барча миллат орасида бу ҳақда намуна бўлган зотлар кўп. Масалан, Франклин қаламига мансуб бир ривоят буни тасдиқлайди.⁸ У «Таъқибга қарши ривоят» деб аталади.

Бу ривоятда инсон маънавиятининг ахлоқий жиҳатлари яъни инсонпарварлик, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, кўмаклашиш фазилатлари

⁸ Муқаддас каломга тақлидан; қуёш ғарбга оққанда Иброҳим чиқиб чодир остонасига ўтириди; ва сахро бағрида кексаликдан қомати букилган, таёққа таяниб бораётган одамни кўрди; Иброҳим ўрнидан турди, унинг олдига борди ва деди: «Илтимос қиласман, чодиримга марҳамат эт, таҳорат ол, туни билан дам ол, эртага сабоҳда туриб йўлингда давом этасан»; аммо у одам жавоб қилди «Йўқ, чодирингга кирмайман, мен мана шу дарахт остида тунашни истайман»; Иброҳим ўзок илтимос қилди ва у одам кўнди ва улар чодирга кирдилар ва Иброҳим нон ушатди ва улар баҳам кўрдилар; шунда Иброҳим унинг Худога шукронга айтмаганини кўрди ва деди: «Нима учун сен еру осмонлар яратувчиси бўлган Тангри таолога ҳамду сано айтмадинг?»; ва у одам жавоб қилди: «Мен сен айтаётган худога сигинмайман ва унинг номини тилга олмайман, чунки ўзимга ўзим худо ясад олганман ва у доим менинг уйимда ва менга ҳамма нарсани беради»; бу одамга нисбатан Иброҳимнинг газаби қўзгалди ва ўрнидан туриб унга ташланди ва дўппослаб, келган саҳросига кўшиб чиқарди; ярим кечада Худо сўради: «Эй, Иброҳим, мусоғир қани?»; Иброҳим жавоб берди: «Эгам, у сенга сигинмайди, сенинг номингни зикр этмайди, шунинг учун мен уни «қўзимга кўринма» деб саҳрога кувиб юбордим»; Худо айтди: «Менга осийлик қилганига қарамай, унга бир юз тўқсон тўkkиз йилдан бери чидаб келаман, ризкини қиймайман, ялангоч қўймайман, сен эса, э гуноҳкор, бир кечага ҳам чидамадингми?»; ва Иброҳим тавба билан саждага бош кўйди: «Эй эгам, бу бандангни авф эт, чиндан гуноҳга ботдим, авф эт, ўтиниб ёлвораман»; ва Иброҳим саждадан бош кўтарди, саҳрога чиқди, мусоғирни узок излади, у билан чодирга қайтди, унга меҳрибонлик қўрсатди ва эрталаб совға-саломлар билан уни кузатиб кўйди;

Аллоҳ Каломига суюнган ҳолда талқин қилинмоқда. Демак инсон ҳамма вақт яхшилик қилишга интилиши керак.

Маълумки, дунёда турли динлар мавжуд. Уларга турли халқлар эътиқод қилиб келади. Франклин ана шу эътиқодда ҳам умумийлик бор деб қуйидаги фикрни айтади: битта худо бор ва у дунёни яратган; ўз ҳижмати билан дунёни бошқаради; унга мўминлик, ибодат ва шукроналиқ билан сифиниш лозим; аммо худога бандаликнинг энг мақбули –бошқа одамларга яхшилик қилишдир; рух ўлмайди; Худо шаксиз эзгулик учун тақдирлайди ва ёмонликни ё бу дунёда, ёки у дунёда жазолайди».

Дарҳақиқат халқларнинг турли динда бўлишига қарамай эътиқодда яқинлиги Шарқ ва Ғарб маданияти, фалсафасининг уйғунлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда бутун ер юзидағи 1 миллиард 500 миллиондан ортиқ ислом динига эътиқод қилувчилар аввало бир миллат вакилларидан иборат эмас, улар орасида араблар, туркий ва форсий халқлар билан бирга Ғарбда инглиз, фаранг, олмонлардан тортиб, Шарқда япон, индонезиялик, малайзияликларгача, Африкада эса негрлар ҳам бор. Ислом жаҳоний динлардан бири, унга эътиқод қилувчилар ирқий жиҳатдан ҳам турличадир. Мусулмонларни ягона ислом миллати деб эмас, балки Биру-Бор Аллоҳ таолонинг бандалари, Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари, деб тушунмоқ жоиз. Мусулмончилик–умматлар бирлигидир.⁹ Худди шундай фикрларни бошқа жаҳон динлари бўлмиш буддавийлик, христианлик ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим,-дея таъкидлаган эди И.А.Каримов.¹⁰

Куриниб турибдики илм фан билан бир қаторда ислом дини ва таълимотлари ипак йўли бўйлаб кўплаб мамлакатларга тарқалди. Айни пайтда буддавийлик, насронийлик, монийлик, иудаизм каби динлар ва диний оқимлар ҳам ўзгача фикр ва дунёқарашлари билан ипак йўли ўтган мамлакатларга кириб келдилар ва Марказий Осиё шаҳарларида ўз марказлари ва ибодатхоналарига асос солдилар.

Исломга қадар ипак йўли ўтган мамлакатларда будда динига эътиқод кучли бўлган. Унинг таълимоти ҳам халқлар маданиятини яқинлаштиришга, маънавиятини шакллантиришга интилувчи жаҳон динларидан бири эди. Буддавийлик ўта ривожланган жой Термиз яқинидаги Даъварзинтепа бўлиб, бу ерда археологлар томонидан буддага бағишлиланган бутун бошли хазина топилди, у Ўрта Осиё жанубидаги қудратли ва энг йирик буддавийлик маркази бўлганлигини кўрсатади. Булар алоҳида мавзу бўлиб кейинги

⁹ А. Иброҳимов, Ҳ Султонов, Н. Жўраев, Ватан туйғуси -Т.: «Ўзбекистон» 1996 –Б. 75.

¹⁰ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXIаср бўсағасида: хавфзисликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақкиёт кафолатлари. –Б.35.

тадқиқотларимизда фикримизни давом этдирамиз.

Хулоса қилиб айтганда шарқдаги илмий кашфиётлар, маданий ҳаётдаги ютуқларнинг ғарб билан интеграциялашуви объектив жараён бўлиб, транскоммуникацияларнинг етарли даражада ривожланмаганлигига қарамасдан ипак йўли орқали амалга оширилган ижтимоий-маданий муносабатлар заруриятга айланди. Бундан ташқари ижтимоий-маданий ва илмий муносабатларнинг интеграциялашуви Шарқ ва Гарб халқларининг ижтимоий-иктисодий равнақи ва тараққиётининг истиқболи учун янги-янги уфқларни очиш имкониятини бериб, бу жараёнда халқлар, миллатлар, элатлар турмуш тарзи, қадриятлари, дин, эътиқод анъаналари билан танишди, ўзларига хос хулосаларга келиб, мосларини ҳаётларига татбиқ этиш, муайян дунёқарашни шаклланишига асос бўлди ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга, энг муҳими, мамлакатлараро тинчлик, барқарорликни сақлаб туришга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Иброҳимов А., Х Султонов, Н.Жўраев, Ватан туйғуси -Т.: «Ўзбекистон» 1996 –Б. 75.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон XXIаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Б.35.
- 3."Куръер", ЮНЕСКО", 1960, ноябр, стр.5
Уша манбаа, стр.2
- 4.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2017.
- 5.Мирзиёев Ш. 2017 йил 15 июндаги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжумандада сўзлаган нутқидан.
- 6.Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2017. –Б.145
- 7.Сулаймонова Ф. Шарқ ва Гарб. -Т.: Фан, 1994,1998. Инсон борлиқнинг гултожи, шарафи. «Соғлом авлод учун», 1998...№10-11 -Б.-22.
- 8.Шер А. //кўчирма// «Соғлом авлод учун» журналидаги сўнги сўзидан олинди.1998, 10-11сон, -Б.23